

Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

23 октябрь, чоршанба, 1996 йил
Сотувада эркин нархда. № 215 (1467)

Шу кунларда улуг бобокалонимиз Амир Темур руҳи Ватанимиз бўйлаб кезиб юрибди

БУЮК СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ



Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейи нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳон миқёсида, хусусан, туркий тилда сўзлашувчи мамлакатлар халқлари томонидан ҳам кенг нишонланмоқда. Қардош мамлакатларда буюк бобоимиз юбилейи муносабати билан кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Туркий дунёда муҳим аҳамиятга эга бу каби саналарни биргаликда нишонлаш халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Олий даражадаги Тошкент учрашувида қатнашган туркий тилли давлатлар раҳбарлари — Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев, Туркия Президенти Сулаймон Демирэл, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ҳамда соҳибқирон юбилейи тантаналарида иштирок этishi учун мамлакатимизга ташриф буюрган Тожикистон

Президенти Имомали Раҳмонов 22 октябрь кuni эрталаб Ўзбекистон Президентини Ислоҳ Каримов ҳамроҳлигида Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмонлар Амир Темур юбилейи арафасида қуриб битказилган музей, унинг соҳибқирон ҳаёти, темурийлар даври ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлари билан танишдилар. Меҳмонларга Амир Темур шахси билан боғлиқ ноёб ёдгорликлар тарихи ҳақида сўзлаб берилди.

Олий мартабали меҳмонлар музейнинг эсадилик китобида дастхат қолдирдилар. Президентлар Ўзбекистон Биржа марказига ҳам ташриф буюриб, марказнинг фаолияти билан танишдилар.

Шу кuni Ўзбекистон Президентини Ислоҳ Каримов, Озарбойжон Президентини Ҳайдар Алиев, Туркия Президентини Сулаймон Демирэл, Тожикистон Президенти

Имомали Раҳмонов, Қирғизистон Президентини Асқар Акаев, Қозоғистон Президентини Нурсултон Назарбоев таваллудининг кутлуғ 660 йиллик санаси жаҳон бўйлаб кенг нишонланаётган буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темурга эҳтиром билдириш ниятида замин сайқали қадимий Самарқандга келди.

Самарқанд аэропортида юсак мартабали меҳмонларни вилоят ҳокими Алишер Мардиев, Самарқанд шаҳар ҳокими Азиз Носиров ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Миллий либосдаги қизлар азиз меҳмонларга Ўзбек заминининг анвоий гулларини тақдим этдилар.

Буюк соҳибқирон қадимий Туркистон халқларини бирлаштириб, муқаллас юртни босқинчилардан озод этди. Улкан салтанат барпо қилди. Бекиёс бунёдкорлик ишлари билан шугулланиб қолмай, илм-фан, санъат ривожига ҳомийлик қилди.

У ҳомийлик қилган буюк маданият туркий халқлар гуруҳини осмон қилиб, умумжаҳон хазинасини бекиёс ганжиналар билан бойитди. Бу улкан маданият меросдан Туркистон заминидан яшаган барча миллат вакиллари баҳраманд бўлидилар. Ана шу боис туркий тилли давлатлар раҳбарлари Тошкентда бўлиб ўтган анъанавий учрашувдан сўнг соҳибқирон юбилейи тантаналарида иштирок этиш истагини билдирдилар. Бу хайрли тадбирда иштирок этиш учун қардош Тожикистон Республикаси Президентини Имомали Раҳмонов ҳам Ўзбекистонга келди.

Қардош мамлакатлар Президентлари Самарқанднинг буюк бобокалонимиз номи билан юритилаётган хиёбонидан яқинда очилган Амир Темур ҳайкали қошига келдилар. Улуг давлат арбоби, фан ва маданият ҳомийси ҳайкали пойга гуллар қўйдилар. Сўнгра Президентлар муборак байрам

арафасида таъмирдан чиққан Гўри Мир мақбарасига ташриф буюриб, Амир Темур қабрини зиёрат этдилар. Афсонавий Регистон майдони кутлуғ байрам кунларида алоҳида фусун ва жозиба касб этган. Қардош мамлакатлар давлат раҳбарлари ушбу бетакрор майдонга ташриф буюрдилар. Самарқанд бадиий ҳаваскорлик ва фольклор дасталари концерти шаҳарнинг улуг меҳмонларини хушнуд этди.

Президентлар Улуғбек, Тиллақори мадрасаларини, шунингдек, бу ерда ташкил этилган халқ амалий санъати намуналари кўргазмасини томоша қилдилар.

Ўзбек халқининг буюк аждодлар номини улуғлаш, улар қолдирган осори-атиқаларни асраб-авайлаш йўлидаги фаолияти, боболар анъаналарига мос бунёдкорлик ишлари қардош давлатлар Президентларида катта таассуротлар қолдирди.

— Қадимий меъморлик обидаларига бой бўлган Са-

марқанд ва унинг Гўри Мир қаби ёдгорликлари ҳақида кўп эшитганман, тарихий китоблардан қизиқиб ўқиганман, — деди Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев. — Самарқандга келиш орзум буюк Амир Темурнинг юбилейи тантаналари нишонланаётган кунларда ушалганидан мамнунман. Мен бу ерда тарихий обидаларни тиклашга катта эътибор берилиб, ўзбек халқи жаҳон андозаларига мос замонавий бинолар қураётганининг гувоҳи бўлдим. Самарқанддаги «Афросиёб» меҳмонхонаси, қадимий ва замонавий меъморликнинг уйғун намунаси бўлган Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи биносини шулар жумласидандир.

— Мен «Етти ва ўттиз етти мўъжиза» деб номланган китоб ўқиганман, — деди Қирғизистон Президенти Асқар Акаев. — Унда она-сайёрамиздаги турли мўъжизалар ҳақида ҳикоя қилинади. Бугун мен Са-

марқандга ташрифим чоғида жаҳонда ўттиз саккизинчи мўъжиза ҳам борлигига амин бўлдим. Бу мўъжизани яратишда соҳибқирон Амир Темур ва унинг аждодларининг хизмати беқиёсдир. Амир Темур нафақат ўзбек, балки қирғиз халқининг тарихи ва тараққиётини белгилаб берган улуг инсонлардандир.

Бошқа қардош давлатлар Президентлари ҳам Ўзбекистонда амалга оширилаётган ибратли ишлар, соҳибқирон шахси ва унинг тарихда тутган ўрни ҳақида қимматли фикрлар билдирдилар.

Ўзбекистон Президентини буюк аждодларимизнинг мурорақ таваллуд саналарини байрам қилишининг моҳияти халқимизнинг гуруҳини тиклаш, уни улуг боболарга муносиб улкан бунёдкорлик йўлидан бошлаш эканини таъкидлади.

— Шу кунларда улуг соҳибқирон Амир Темур руҳи Ватанимиз бўйлаб кезиб

юрибди, — деди, жумладан, юртбошимиз. — Унинг шод руҳи янги хайрли ишларни амалга ошириш йўлида бизга куч-қувват, мадад беради.

Шу кuni Қозоғистон Президентини Нурсултон Назарбоев ва Туркия Президентини Сулаймон Демирэл Самарқанддан ватанларига жўнаб кетдилар. Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев, Тожикистон Президентини Имомали Раҳмонов, Қирғизистон Президентини Асқар Акаев эса Ўзбекистон Президентини Ислоҳ Каримов билан бирга Самарқанддан Тошкентга кетдилар. Улар Тошкент аэропортидан ўз ватанларига жўнаб кетдилар.

Аэропортида қардош мамлакатлар давлат раҳбарларини Ўзбекистон Президентини Ислоҳ Каримов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

(ЎЗА).
Суратларни М. АМИН, А. ТўРАЕВ, Т. НОРҚУЛОВ тасвирга олган.

РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

22 октябрь кuni Тошкентда 2000 йилгача бўлган даврда кишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда тегишли вазирликлар ва идораларнинг, концернлар ва уюшмаларнинг, компаниялар ва банкларнинг, бирлашмалар ва маҳаллий бошқарув органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди. Мажлисини Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон молия вазири Б. Ҳамидов бошқарди.

Июндан сентябрга қадар вазирликлар, идоралар, концернлар, ҳокимликлар томонидан кишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастурини бажариш яқинлари, улар бу йилда мулкдорларга қўраётган бажариш юзасидан қўраётган чоралар муҳокама қилинди. Иштирокчилар билан статистика давлат қўмитаси раисининг ўринбосари Б. Ҳужаев, республика кишлоқ хўжалик вазирининг ўринбосари А. Скоробогатко, солиқлик саклаш вазири Ш. Каримов, халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, «Ўзгазоқурилиш» бирлашмаси раиси О. Йўлдошев, «Ўзжамбулхўжалиққурилиш» бирлашмасининг раиси В. Камолов, «Ўзсувхўжалиққурилиш» концернини раиси Р. Жуманазаров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари ахборот бердилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва кўпгина вилоятлар ҳокимликларининг кишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда раҳбарлик қилишга доир фаолияти йилнинг учинчи чоратида анча яхшиллан-

ЧУБАЙС НИШОНГА ОЛИНМОҚДА...

Лебеднинг истефого чикишини маъқуллаган Думадаги муҳолифатчилар Президентини аппаратини бошлиғи Анатолий Чубайсини ҳукмронлиги кучайиб кетганлигидан ташвиш билдирмоқдалар. Коммунист депутатлар Марказий саялов комиссиясига ва Бош прокуратурага мурожаат қилиб, яқинда «Советская Россия» газетаси эълон қилган президентлик сайловолди кампаниясида миллионлаб долларлар қонунига равишда Ельцинга ҳайрихоҳ бўлган сиёсий арбоблар ва оммавий ахборот воситаларига берилган тўғрисидаги айбловни текшириб чикишини илтимос қилди. Чубайс Ельциннинг сайловолди кампаниясини ташкил қилишда асосий одам эди.

ЁШЛАР ЎРТАСИДА ИШСIZЛИК КўПАЙМОҚДА

«Таймс» газетасининг ёзишича, Буюк Британияда ёшлар ўртасида ишсизлар сонини тез ўсиб кетмоқда. Айни кунда мамлакатда ишсизлик нафақасини олиб яшайётган 700 минг ёш руҳхатта олинган. Ўн қатор аналитиклар ишсизликнинг бу даражада кўпайишига Буюк Британияда жорий қилинган таълим тизими сабаб, дейишмоқда. Шу муносабат билан шаҳзода Чарльз мамлакатдаги йирик компаниялар вакилларига мурожаат қилиб, ёшларни иш билан таъминлашда ёрдам беришга чақирди. У ҳар бир компания қoшида ишсизларни турли хил қасбларга ўргатадиган курслар ташкил қилишни таклиф қилди.

ОЙДА МЕҲМОНХОНА ҚУРИЛАДИ

Япониядаги энг йирик «Шимузу» корпорейшн» қурилиш компанияси Ойда меҳмонхона қуриш ниятида, деб ёзади «Дейли Йомури» газетаси. Фирма вакиллариининг гапига қараганда, ушбу меҳмонхона 2030 йилда қуриб битказилади. У айлана қурилишга эга бўлиб, 64 хонадан иборат бўлади. Ушбу меҳмонхонага савҳат тўрт кун давом этади ва у сайёҳга

56 минг фунт стерлингга тушади. Компания лойиҳачилари одамлар шу пайтгача Ойни фақат суратлардагина куришганди, эндиликда эса ўз қуларин билан куриш имконига эга буладилар, дейишмоқда.

КОВУЛ (Рейтер). Афғонистондаги қарамақарши кучлар ўртасида музокара олиб борилган барча томонлар манфаатдор бўлса-да, аммо толиблар ва ҳукумат қўшинлари ўртасида жанглар давом этмоқда. Жанглар Афғонистон пойтахтидан ўн милдан 18 мил ўртасидаги масофада давом этмоқда. Жумладан, жанглар ҳам ерда, ҳам ҳавода бормоқда.

АФҒОНИСТОН (Си-Эн-Эн). Кобул бусгаларида кучли мудофаа қурилишлари олиб борилиши ва шаҳарнинг ракетадан ўққа тутилиши — буларнинг барчаси «ўт очилиши тўхтатиш» ҳақидаги музокаралар доирасида мулақо ситмапти. Толиблар Афғонистонда фақат ислом қондаларига амал қилинишни керак, деган шартда маҳкам туришибди.

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ КўЗЛАБ

Нуксуда Қорақалпоғистон тиббиёт ходимларининг болаларда учрайдиган айрим хавфли касалликларнинг олдини олиш ва даволашга бағишланган семинари бўлиб ўтди. Уни БМТ, ЮНИСЕФ, Халқаро болалар жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва республика Солиққон саклаш вазирлиги ташкил этди. Қорақалпоғистоннинг барча туманларидан келган шифокорлар уч кун давомига Оролбўйи минтақасида истиқомат қилаётган болалар касалликларга чалинишининг олдини олиш тажрибасини ўрганидилар.

Семинар ЮНИСЕФ жамғармаси қабул қилган махсус лойиҳа асосида ўтказилди, унинг ташкилотчилари Оролбўйи минтақасини болалари учун инсондорларлик ердими тарихида 50 минг АҚШ доллари миқдоридиган дори-дармонларни топишди.

(ЎЗА).

ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 22 октябрда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валюта операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

Сотув ҳажми 50,14 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати 43,80 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 23 октябрдан бошлаб ҳисоб ва боқжон тўловларини учун хорижий валюталарнинг сўмга иноватан қўйилган қийматини белгиледи: х/

1 Австралия доллари	34,86
1 Австралия шиллинги	4,06
1 Англия фунт стерлинги	69,69
1 Бельгия франки	13,86
1 Голландия гульдени	25,44
1 Греция драхмаси	1,83
1 Дания кронаси	7,41
1 БАА дирхами	11,93
1 АҚШ доллари	43,80
1 Миср фунти	12,91
1 Ирландия фунти	70,20
1 Исландия кронаси	0,65
1 Италия лirasи	3,39
1 Канада доллари	2,86
1 Хавой юани	32,51
1 Кувейт динари	5,28
100 Ливан фунти	146,07
1 Малайзия рингити	2,82
1 Германия маркиси	17,48
	28,54

«ОЛТИН КУЗ» КўРГАЗМАСИ

Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника бўйича давлат қўмитаси ва вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб «Олтин куз — 96» компьютер семинар-кўргазмаси ўтказилди. «Ахборот технологияси орқали Буюк ипақ йўлини қайта тиклаш» шиори остида уюштирилган бу кўргазмада Ўзбекистонда кенг қўлланилаётган жаҳоннинг энг йирик компьютер техникаси, алоқа тизими ва дастурий бошқариш воситалари ишлаб чиқарувчи фирма ва корхоналари қатнашди. Уларнинг мутахассислари ана шу замонавий асбоб-ускуналарни амалиётда қўллаш қандай самара беришини намоиш этди.

(ЎЗА).

1 Норвегия кронаси	6,74
1 Поляна злотисси	15,51
10 Португалия эскудоси	2,83
1 Сингапур доллари	30,98
1000 Туркия лираси	0,46
1 Финляндия маркаси	9,54
1 Франция франки	8,45
1 Швейцария кронаси	6,63
1 Швейцария франки	34,64
1 ЭКЮ	54,83
10 Жапония Корея воени	0,53
10 Япония сенаси	3,89
1000 Россия рубли	8,05
1 Украина гривнаси	24,65
1000 Беларусь рубли	2,96
1 Эстония кронаси	3,55
1 Литва лити	78,78
1 Литва лити	10,95
1 Қозоғистон тенгеси	0,63
1 Қирғизистон сомси	3,12

х/ валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарини ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олманган.

Валюталик банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва тақлифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан сотиб олишда воситачилик ҳоқи олнмайди.

Акс-садо

ИФТИХОР

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги арафасида мамлакатимиз пойтахтида темурийлар тарихи давлат музейи, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида Амир Темур ҳайкалининг очилиши маросимларидаги Президентимизнинг нутқлари миллионлаб кишилар қалбини фахр-ифтихор ҳисларига тўлдирди.

Бундай иззату ҳурмат нафақат Амир Темур шахсига, балки дунё тараққиёти ривожига муносиб ҳисса қўшган халқимиз ўтмишига бўлган эътибор, бугунги авлоднинг аждодларига нисбатан чексиз миннатдорлигидир. Редакциямизга шу хусусда турли касб эгаларидан дил сўзлари битилган мактублар келиб турибди. Куйида улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этаётимиз.

МИЛЛАТИМИЗ ТИМСОЛИ

Толе бизга буюк ўзгаришлар билан тўлиб-тошган даврда яшамокчи nasib эди. Не бахти, бугун Ўзбекистон давлатчилигининг тарихий асосларини яратган Амир Темур бобомиз 660 йил оша яна жаҳонга юз тугди. Унинг маърифат ва адолатга қўйган овози янгидан қадр топди. Соҳибқирон кўрган шаҳарлар, гузарлар қуриш, кўна Турон сарҳадларини бой цивилизация маконларига айлантириш урф-адомларини мерос қилиб қолдирган эди. Шунингдек, у бизга фақат ўз кучига ва ўз салоҳиятига таянибгина мамлакатни обод қилишнинг васияти этиб қолдириди. Мустақиллигимиз шарофати боис бу аъёнларни давом эттириш имкониятига эга бўлди.

Тараққиётга қўшган ҳиссаларини юксак баҳоламоқда. Халқимиз эса ўз келажагини буюк тарихимиз мезони билан ўлчашни, уни аниқ ва кенг қўламда тасаввур этишни ўрганди.

Бугун юртимизда улуг бобомизнинг 660 йиллик юбилейи нишонланиши билан биз муқаддас бир фарзни — ўтган аждодларимизни хотирлаш ва шод этишдек улуг бурчимизни адо этмоқдамиз.

Дарҳақиқат, Амир Темур, Президентимиз Исрол Каримов айтганидек, бизнинг шаън-шавкатимиз, гурур-ифтихоримиздир. Бобомизнинг ёрқин сиймоси бизнинг олийжаноб ва бунёдкорлик ишларимизда маддкор бўлиши шубҳасиз.

Мейли ШОМУРДОВ,
Муборак туманидаги «Омад»
фирмаси директори.

«АДОЛАТ КУЧДА ЭМАС, КУЧ АДОЛАТДАДИР»

— деган эди Амир Темур ҳазратлари

Бу шодиёна кунларни ўз кўзим билан қўриб турганимдан гоёт бахтиёрман. Бу, аввало, Яратганининг бизга инояти, қолверса, юртбошимизнинг жасорати туйғайди.

Бу тарихий ҳақиқатни муҳтарам Президентимиз кунни кеча Тошкентда, темурийлар тарихи давлат музейининг очилиши маросимида сўзлаган нутқида бундай ифода этиди:

«Адолат кучда эмас, куч адолатдадир» деган шор Амир Темур салтанатининг барча худудларида бирдай амал қилиб, ахлоқий-маънавий мезонга айланган.

Унинг халқ иззат-ҳурмати, мамлакат қудрати, эл-юрт фаровонлиги йўлида қилган мислсиз хизматлари қайта қарор топар экан, бугун бобомизнинг адолат тўғрисидаги гоёси ҳам камол топаётганини қўриб турибмиз. Зеро, юртбошимиз таъкидлаган тамойиллардан бири ҳам ана шу адолат гоёсини юзага чиқариш — ҳуқуқий давлатчилигини қарор топтиришдан иборатдир.

Раҳимжон УБАЙДУЛЛАЕВ,
нафақасхўр,
Тошкент шаҳри.

ИШОНЧ ЁРЛИГИ ТОПШИРИЛДИ

Жазоир Халқ Саройида Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Шамсиддин Бобоҳонов Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти Лиамин Зеруалга Ўзбекистон Республикасининг Жазоир Халқ Демократик Республикасида ўриндошлик йўли билан Фавқулодда ва Мухтор элчиси сифатидаги Ишонч ёрлигини топширди.

Президент Л. Зеруал билан дўстона суҳбат бўлиб ўтди. Элчи Ш. Бобоҳонов улкамизда юз бераётган ўзгаришлар — миллий қадриятларимизнинг тикланаётгани, халқ тараққиётига ўзининг муносиб улushi қўшган буюк аждодларимиз маънавий мероси эъзозланаётгани ҳақида сўзлаб берди.

Президент Л. Зеруал Ўзбекистоннинг Президент И. Каримов раҳбарлигида мустақиллик йилларида эришган муваффақиятларини тила олди, республика мустақиллигининг беш йили ЖХДРнинг беш йиллик ислоҳотлари даврига тўғри келганини таъкидлаб ўтди ва ҳозирги кундаги Жазоир давлати ривожига ҳақида сўзлаб берди.

Жазоир раҳбари 60-80-йилларда Ўзбекистонлик мутахассисларнинг соғлиқни сақлаш, олий таълим, геология, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларидаги йирик лойиҳаларни амалга оширишда қўриққан ёрдамларини мамнуният билан эслаб, келгусида ҳам икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга ҳозирлигини билдирди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги.

ЯНГИ ЎҚУВ ТИЗИМИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент давлат автомобиль йўллари институтида бозор иқтисодиёти шароитида олий ўқув юртидаги кўп погонали ўқув тизимини жорий этишга бағишланган илмий семинар бўлиб ўтди.

Унда республикамиздаги мутахассис олимлар, шунингдек, Россия, Грузия, Украина, Қозғоғистон ва Қирғизистон мамлакатлари вакиллари қатнашди. Анжуманда янги таълим жараёнини ташкил этиш, ўқув режалари ҳамда фан дастуруларини ишлаб чиқиш масалалари муҳокама этилди. Семинар қатнашчилари республикамиз олий таълим тизимида ёшлар маънавияти ва маърифатини оширишга қаратилган ижобий ўзгаришлар билан таништирилди.

ЁШ ИЖОДКОРЛАР КЛУБИ

Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси ҳузурда «Ёш ижодкорлар клуби» очилди.

Клуб адабиётга кириб келаётган ёшларни ижтимоий ҳимоялашга қўйилган, уларнинг муаммо ва эҳтиёжларини ўрганиш, сара асарларини нашр этиш, ҳорижий мамлакатлар ёш қаламкашлари билан алоқалар ўрнатish мақсадида ташкил этилди.

Клубнинг илк йиғилиши ташкилий масалалар билан бирга ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг етти йиллигига бағишланди. Унда таъкид адиблар, олимлар, ёш ёзувчи ва шоирлар давлат тили ҳақидаги Қонуни қабул қилингандан бунён ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ўзбек тили мақомининг ортганини таъкидладилар. (Уш).

Ҳамкорлик робиталари

ТАБИАТ — БИЗНИНГ ИТТИФОҚЧИМИЗ

Ўзбекистонда халқаро энтомология экспедицияси ўз ишини аяқулади. Экспедиция таркибиде таъкидлик эколог олимлар: Америка Қўшма Штатларида доктор Р. Собнан, Россия Фанлар академияси зоология институтининг етакчи илмий ходими, Санкт-Петербурглик профессор О. Ковалев ва Ўзбекистон Фанлар академияси зоология институтининг бўлим мудири, биология фанлари доктори А. Ҳамроев бор эди.

Экспедициянинг мақсади қишлоқ хўжалик экосистемаларида бегона ўғларга қарши биологик курашни унун табиий ресурсларни аниқлашдан иборат эди. Назаримиздаги бегона бегона ўғларнинг кўпгина турлари жуда кўп сонли жондорлар, жумладан, хашаротлар, каналар, нематодлар ва бошқаларнинг янган маскани ҳисобланади. Бу хашаротлардан деҳқончиликда фойдаланиши мумкин. Улар экосистемаларда бегона ўғларни йўқ қилишда кимёвий дорилардан қолдишмайди, бунинг устига, атроф-муҳитга зарар етказмайди. Ана шундай ҳарорат туридан бири — Европа япроққўрига Американин Калифорния штатида Евроосиёдан келиб қолган хашки бегона ўғни йўқ қилиб ташлагани унун деҳқонлар хайқал ўрнатгани тасдиқ эмас. (Уш).



Қувасой шахридаги «Исфайрам» чини буюмлар заводи ҳиссадорлик жамияти пешқадам саноат корхоналаридан саналади. Бу ерда тайёрланган чини пёсла, чойнак, коса-товуқлар, эсолик буюмлари республикамиздагина эмас, кўпгина хорижий давлатларда ҳам машхур. Заовд жамоаси маҳсулотлар турини кўпайтириш, сифатини яхшилаш борасида сезиларли муваффақиятларни кўлга киритаётир.

СУРАТЛАРДА: лой тайёрлаш цехи ишчиси Асмажон Энонов; илгор ишчилардан Тўхтамон Холатова ва Уғлий Жўрабоева.

Тоҳиржон ХАМРОКУЛ тасвирга олган.



Мустақиллигимиз мустақамлаиб, давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги сиёсий, маънавий ва иқтисодий мавқеи ошган сари мамлакатимизда демократик жамиятни барпо этишдек юксак мақсадимиз долзарб вазифага айланиб бормоқда. Юртбошимиз сўзлари билан айтганда, «хуқуқий давлат қуриш, жамиятда демократия тамойилларини қарор топтиришда пойдевор барпо этдик». Таъбир жоиз бўлса, энди унинг ҳавозаларини тиклаш ва бошқа кўплаб ўта масъулиятли вазифаларни бажариш лозим бўлади.

Шундай буюк мақсадни изчиллик ва сабот билан амалга оширишда илм, айниқса, ижтимоий фанларнинг ўрни бекиёсдир. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъатининг қарори билан 1996 йилдан бошлаб мамлакатимизнинг қатор олий ўқув юртиларида янги — «Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедралари ташкил этилиб, ушбу янги ижтимоий фанни ўқитиш йўлга қуйилгани айни муддао бўлди. Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетининг профессори, тарих фанлари доктори Бердимурод СИДДИҚОВ билан куйидаги суҳбатда шу ҳақда мулоҳаза юритилди.

— Бердимурод Сиддиқов, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедрасини ташкил этишдан кўнра тугалин мақсад нима?

— Ўзбек халқи азалдан озоликка интилиб яшаган. Мустақил, демократик ва адолатли жамият барпо этиш унинг энг асосий орзуси эди. Халқимизнинг кўп асрлик маданияти меросида бу ақлол акс этган. Буюк неъмат — истиқлол шарофати билан асрий озулар рўёбга чиқиб, халқимиз ўз миллий қадриятлари — дини, тарихи, қадимий бой маданияти ва маънавиятига қайта эга бўлди. Қаринб бир ярим асрлик тутқунликдан сўнг яна ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш, маданиятини бойитиш, маънавий қайта ўйношиш, ўз истиқболини ўзи белгилашдек улуг бахтга мушарраф бўлди.

Озоликнинг биринчи кунлиноқ бундан кейин тараққиётнинг қайси йўлидан бормасиз, деган масала халқимиз олдига қўйилган бўлди ва биз бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган олий, ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлини тандаб олдик. Уч минг йилликдан кўпроқ тарихга эга бўлган халқимиз ўзининг маънавий жиҳатдан баркамол давлатчилик анъаналарига сунган ҳолда янги демократик қуришдек буюк мақсад сари қўлам ташламоқда.

Биз қураганин жамиятнинг қондалари, мақсад ва вазифалари юртбошимиз асарларида илмий-назарий жиҳатдан ҳар томонлама пухта ва аниқ белгилаб берилди. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтишни беш тамойил янги жамият қуриш йўлида мўҳим бошқиб бўлди. Демократик жамият қуришининг мўҳим тамойиллари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Давлатимизнинг ҳуқуқий пойдевори бўлган Конституциянинг қабул қилиниши, давлат-рамаъларнинг ишлаб чиқилиши, бошқарув тизимларининг ислох этилиши бу боралда бағоят мўҳим аҳамият касб этди.

Бошқа минтақалардан фарқи ўлароқ, Ўзбекистонда барча фуқароларнинг тинч-тутовлиги, осонийлиги, эркин ва ижобий меҳнат тилини этилиб, миллати, дини, элликқилидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлиги қароқотланди. Янги жамият қуриш йўлида мамлакатимизда юртбошимиз кенг қамровли, адолатли ва инсонпарвар сиёсат жаҳонга жамоатчилик томонидан эълитроф этилиб, миллионлаб кишиларнинг эътиборини қозонди. Демократик жамият қуриш борасида Ўзбекистон тўғралаган бой тажриба нафақат Марказий Осиё давлатлари, балки бутун жаҳон жамоатчилигининг диққатини ўзига тобора кўпроқ жалб этаётган, ҳорижий давлатлар томонидан атрофдаги ўрганилмоқта. Шу йилнинг апрели ойида Американинг Миннеаполис шаҳрида Марказий Осиё республикаларида бағишланди «Янгилашни ва демократизацияни унун кураш» мавзусида ўтказилган йирик анжуман фикримизнинг ёрқин далилидир. Шуниси қувончликки, анжуманда Ўзбекистонда демократик жамиятнинг муваффақиятли амалга оширилатганини ҳақиқий ишқис гаплар айтади. Мисолини университетини профессори Рохер Кангас «Ўзбекистонда де-

мократия учун кураш» мавзусида маъруза қилиб, республикамизда демократия куртаклари буртиб қурилатганини хусусида ижобий фикр билдириди. Бу йўлда Президентимиз юртбошимиз сиёсатга юксак баҳо берди.

Моломлик, чет элларда бизнинг тажрибамизга шу даражада қатъи аҳамият бериб, унн ўрганаётган экан, ўз мамлакатимизда демократик жамият қуриш йўлида эришилган ютуқларни кенг тарғиб қилиш, унн талаба ёшларимиз олдига чўбур сингдириш бугунги кунининг

мустақамлаши масалалари катта аҳамият касб этганини хисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъати 1996 йилдан бошлаб Тошкент давлат техника университети, Тошкент давлат иқтисодий университети, Тошкент давлат университети ҳамда Қорақалпоғистон, Самарқанд, Андижон давлат университетларида «Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраларини ташкил этиш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Ҳеч шубҳасиз, бу ўз

сусан, Ўзбекистонда маҳалла — жамиятнинг ўзига хос демократик андозининг қичқ бир шакли, десак янгилашмаймиз. Умуман, Шарқда демократия тўшулчаси кўпроқ ўзаро ҳамжиҳатлик гоёси асосида, жамоатчилик фикрининг устуворлиги билан шаклланди. Шарқда қадим-қадимдан қонунга нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром билан қараб келинган. Ўзбек давлатчилигининг асосини, улуг бобомизнинг Амир Темурнинг «Қарда қонун ҳукмонлик қилса, ўша ерда эркинлик бўлади» деган ҳам

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭЗГУ НИЯТИ МУШТАРАК

энг долзарб вазифалардан бири хисобланмоқ керак. Лекин эълитроф этиш керакки, ҳозирча Ўзбекистонда бу соҳада бераётган билим ва тўшулчаларининг етарли даражада, дея олмаймиз. Асарият эшларимиз демократик жамиятнинг моҳияти ва мазмунини, мақсад ва вазифаларини ҳали аниқ тасаввур этмайлашди. Бундан ташқари, биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик адолатли жамият қурмоқчимиз. Бунга эса, Президентимиз таъкидлаганидек, тивимсиз ақлий ва жисмоний меҳнат қилиб, тер тўкиб, ҳаётнинг аниқ-чўчугини обдон тоғиб, оғир синов ҳамда қурашларга мардона барлош берибгина эришиш мумкинчилигини талабаларимиз ва қатъи ўқитувчиларимиз ҳам малум қисми етарли даражада тўшулб еттирилган йўқ.

Демократик жамият қуриш масалаларини мустақил таъкимот еттирилган ўрганишдан мақсад халқимизнинг миллий мураккаблик йўлида олиб бораган кураш, ёшлар миллий давлатининг тиклиниши, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўзига хос йўли ва хусусиятлари, ҳуқуқий демократик жамият барпо этилишини назарий ва амалий асосини, халқимизнинг бой маданияти, жамиятнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан қайта тиклаш муаммолари ва янги жаҳон қуриш билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар хусусида атрофдаги фикр юртишдан иборатдир. Булардан ташқари, талабаларимизда миллий ифтихор тўғрисида, ўз Ватани билан фарқлиниш, гурурланиш ҳиссини тарбиялаш, миллий анъана ва қадриятларимизга нисбатан ҳурмат-эҳтиром руҳини шакллантириш, энг мўҳими, ёшларимиз барпо этилаётган ҳуқуқий демократик жамиятнинг фаол широкочлари руҳида тарбиялаш эзу гуниятидир.

Шундай қилиб, Ўзбекистон мустақилликка эришган бир шароитда ижтимоий йўналишлардан бозор иқтисодиёти асосида ҳуқуқий демократик давлатнинг шаклланиши қонунларини чўқур эълитиш, жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини қайта тиклаш ва

вақтида қабул қилинган қарорлар ва маънавий ҳаётимизда мўҳим воқеа бўлди.

— Биз қураганин демократик жамиятнинг ўзига хос томонлари ва моҳияти нималардан иборат? Сизнингча, умуман, Шарқ демократияси Фарқ демократиядан фарқ қилмайдими?

— Албатта, демократиянинг Фарқ ҳам, Шарқда ҳам халқаро миқёсда тан олинган, эълитроф этилган умумий жиҳатлари, ўхшаш томонлари мавжуд. Булар фуқароларнинг тенг ҳуқуқлиги, давлат органларининг сўйлаб қўйилиши, давлат ҳамда жамият бошқаруви қонуннинг устуворлиги ва бошқа қўришларда намоён бўлади. Лекин шу билан биргаликда кўпроқ индивидуализм психологиясига асосланган Фарқ демократиядан фарқи равишда Шарқда демократик жамиятнинг қадимдан шаклланиш йўли хос ва ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Фарқ фарқи ўлароқ, Шарқда демократик жамият аста-секинлик билан, янги тарзиди асосида тарққий элади. Фарқ эса инқилобий ўзгаришларга мойиллик қилиб бўлиб, бу ёшлар фожиали оқибатларга, қўлимиздан ҳолатларга олиб келиши мумкин.

Шарқ демократиясининг ўзига хос жиҳатлардан яна бири шундирки, бу ерда кўпроқ босқич билан, мулоҳаза асосида иш юритилиб, ифидат ва андишли бўлиш, аҳоли-оқо қондаларга қатъий амал қилиб, адолатпарварлик ҳамда инсонпарварлик фанларига алоҳида дўртуб турлади. Катталарни ҳурмат қилиш, олим ва фарандалар тўғрисида тивимсиз таъкимот қилиш, очик қўйиллилик, миллатлар қатъи назар, барчага хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш ва ўзаро ерлам тўғрисида кўп-кўп ўртасидан муносабатларнинг бениҳом мўҳим меъри ҳисобланади. Ўз Ватанига меҳр-муҳаббат, меҳнатпарварлик, устуворлик, маърифатпарварлик нисбатан ўзгача ҳурмат-эҳтиром халқимизга хос фанлиятлардир.

Бу ўрида шунн алоҳида таъкидлаш керакки, Шарқда, ҳу-

бежиз эмасдир. Бироқ ҳамма ёқни остин-устин қилиб, андишлини, оқо-ақлоқни четлаб ўтган Жанриновскийга ўхшаш вайсақ кимсаларнинг демократияси биз учун мултоқо ётир. Бизнинг мақсади-миз бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган буюк ва қудратли, ҳар жиҳатдан оқо ва ҳур, фуқаролари тўқ ва фаровон, адолатли демократик ҳуқуқий давлат қуришидир. Аммо биз бу мақсадни баъзи мамлакатлардагидек фалаж қилиб даволаш асосида эмас, балки осонийлаш билан, омманинги сиёсий онгини ошириш, унинг фаоллигини қучайтириш йўли билан, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий ҳаёт тарзини тарзиди асосида босқичма-босқич ислох этиш орқали амалга оширмаймиз.

Биз тандаб олган йўлнинг асосий мазмунини ва моҳияти — сохта инқилобий сакрларнинг, фожиали оқибатларга ва қучли, ижтимоий парзандасиз, тарзиди йўл билан нормал, маданиятга тараққий қилди ўтишидир. Бизнинг ўз ис-тиқлол ва тарққий йўлимиз республикамизнинг ўзига хос турмуш тарзини, шарт-шароитлари ва хусусиятларини, халқ анъаналарини ва урф-одатларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асослангандир.

Бугунги кунда Ўзбекистон тинч-тутовлиги ва осонийлик тивимиз этилган бир мамлакат сифатида очик, эркин бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан даладил олга бораётган экан, бу, энг аввало, Президентимиз томонидан юртилаётган кенг қамровли ва адолатли инсонпарвар сиёсатининг самарасидир.

— Янги фанни йўлга қўйиладиган қийинчилик ва муаммолар нималардан иборат?

— Албатта, ҳар бир ишнинг бошланғич бйрмуча қийин кечди. Ҳеч шубҳасиз, янги жамият қуриш ҳақидаги фан ҳам бундан истисно эмас. Аввало, маъкур предмет бўйича барқарор, тақомиллашган дасуричи, ўқув-ўқувий қўламларнинг йўқлиги маълум қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Лекин, энг мўҳими, рес-

публикамизнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий ҳаётини ўзига ақс эттирган янги фан талаба ёшларини томонидан эзу қизиқиб билан қўлиб олинди ва чўқур иштиқ билан ўқиб ўрганилган.

— Бу фанни ўқитишда қандай мамлакатлардан фойдаланилмоқда?

— Мен юқорисида маъкур фан бўйича ҳали тайёр дарсликлар, ўқув-ўқувий қўламлар йўқлиги, рисолий ҳаётга доир китоблар, рисо-лар, мақолалар, шунингдек, маъбуот материалларига таянган ҳолда иш қўриямиз. Ҳозирги кунда кафедрамизнинг етакчи ўқитувчилари илтирозидан махсус ўқув қўламларини тайёрлашни қиришдик.

— Янги фаннинг истиқболини қандай баҳолайсиз?

— Яқиндагина мамлакатимиз Президентини Исрол Каримов «Маънавият ва маърифат республика жамоатчилик маркази раҳбарлиги ҳамда бошқаруви аъзолари билан бўлган учрашувида: «Утган беш йил мобайнида биз нафақат сиёсат, иқтисодиёт борасида, балки ҳуқуқий давлат қуриш, жамиятда демократия тамойилларини қарор топтириш ҳам, таъбир жоиз бўлса, пойдевор барпо этдик. Энди мана шу пойдевор устида фуқаролар эркинлигини таъминловчи демократия бйосини тиклашнинг мумкин», деб алоҳида таъкидлади. Бйосинан, деб алоҳида демократия бйосини тиклашда «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанининг муносиб ўрни бўлиши таъбиийдир.

Бу фан келгусида ижтимоий-сиёсий фанлар орасида мўҳим ўрни эгаллашга шак-шубҳа йўқ. Чўки демократик жамият қуриш йўлида биз эришаётган ютуқлар ва тажрибага бунун жаҳон ақли катта қизиқиб билан қараётган бир шароитда биз бу фанни ўрганишга кўра, лоқай бўлишга ҳаққимиз йўқ. Ўйлашмики, келгусида бу фан учун ажратилган ўқув соғларни қўлайди. Олий ўқув юртиларида ижтимоий фанлар бўйича давлат имтиҳонлари ҳам айнан шу давлат ўқуқлини керак. Менин назаримда, бу фан барча олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида, техникум, коллеж, тивимиз ва лицейлари, ўрта мактабларида ўқитилиши ҳамда ўрганилиши керак. Билар мутахассис олимлар, сиёсатшўнослар бу ўта масълунлиги ишга жойлиб эълитро билан қарша, фанни тақомиллаштиришга ва бойитишга ҳисса қўйишларини лозим, деб ўйлашми. Биз барчада атрофдаги фикрлашиб, босмаҳабат, ҳамкорликда иш тутишга тайёрмиз. Ана шундангина бу фаннинг тақдир шўролар даврида сароба айланган коммунизм ҳақидаги эртаник ҳўқоқ қилиш билан машғул бўлган айрим ижтимоий фанларга ўхшаб қолмайди.

— Сизнингча, бу фаннинг бозор иқтисодий фанлар билан ўзаро алоқадорлиги қандай?

— Албатта, ҳеч бир фан йўқди, у қайсибир даражада бошқа фанлар билан боғлиқ бўлмас. Маъкур фан ҳақида ҳам худди шу гапни айташ мумкин. Лекин, ҳар бир фаннинг ўз йўналиши бўлганлик, «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фан ҳам ўшундай бўлиши керак. Унн бошқа бозор ижтимоий фанлар билан ўзига алоҳида ва уларга таянган ҳолда ўрганиш фойдалан ҳоли эмас.

«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири
Олимжон НАЗАРОВ
суҳбатлашди.

Бирортаям танқид натижасиз қолмайди

«ОТИ БОРУ, ЎЗИ ЙЎҚ ЮТУҚЛАР»

ёки лотерея ўйинларининг галваси хусусида...
(«Халқ сўзи», 1996 йил 2 октябрь)

Ва, ниҳоят, газетада босилган танқидий мақолалардан сўнг «Соғва» ва «Мустақиллик» пулбўюм лотереяларнинг ютуқлари ўз эгаларига етиб борди. Айрим мутасадди раҳбарлар ҳам газета танқидларидан тўғри хулоса чиқариб олишди. Уларнинг бизга йўллаган мактублари ана шундан далолат бериб турибди.

«Ҳақиқатан ҳам, 1995 йил «Мустақиллик» пул-бўюм лотереясида Андижон вилояти бўйича чиққан ютуқларни қабул қилиб уларнинг эгаларига тарқатиш «Ўзбекбирлашув» бошқарувининг қарорига асосан Андижон хўжалик-маданий моллар базаси акционерлик жамиятига юклатилган эди. Ютуқларни ўз вақтида, кў

АКЦИЗ МАРКАСИ — МАҲСУЛОТЛАР СИФАТИГА КАФОЛАТ

Бугуннинг гапи

Маълумки, шу йилнинг 14 августида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларга акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Шундан сўнг айрим жойларда спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларининг нархи бир оз ошиб, уларнинг бирмунча камайганлиги кузатилди. Хўш, нега? Бу жараёни айрим кишилар акциз маркаларининг қимматлиги билан баҳолашса, айримлар маркаларни банклардан ўз вақтида ололмаётганлигини рўқач қилишмоқда. Ҳақиқатан ҳам шундайми? Биз ана шу масалага оидлик киритиш мақсадида пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги «Пахтабанк» ҳиссадорлик-тижорат банкида бўлдик.

Банкимиз акциз маркалари бунча солиқ идоралари билан харидорлар ўртасида сотувчи вазифини ўтайди, холос. — дейди банк бошқарувчиси Шомухтор Шогиев. — Буюртмага кўра, солиқ идоралари томонидан ажратилган маркаларни биз улардан санаб олиб, яна санаб, буюртмачига сотамиз. Шу бугунгача ажратилган 30 млн. 710 мингта акциз маркаларининг асосий қисмини сотдик. Уларнинг асосий харидорлари тадбиркорлар ва патентчилар бўлишмоқда.


Биз банк бошқарувчисидан қандай қилиб акциз маркаларини да ҳам иш қизгин. Махсус кўтиларда келтирилган марка тахтамларини ҳошимларнинг бири туртурга ажратса, яна бири уларни нархларига қараб қайтадан тахлат чиқиб, харидорларга ҳозирлаб кўймоқда. Кассир қизлар уларни пешма-пеш миқозларга улашмоқда. Энг муҳими эса, харидорлар касса олдида бир дақиқа ҳам маҳал бўлиб қолаётгани йўқ. Чунки мажбур кассаларнинг ўзида ўзлар ортқ ҳошимлар миқозларга хизмат кўрсатмоқда.

нинг олибсатарлар қўлига тушиб қолаётганлиги ва натижада спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларининг камайиб, нархининг бироз ошганлиги тўғрисидаги фикрини билмоқчи бўлдик. — Юқорида таъкидлаганимдек, — дея сўзда давом этди у, — буюртмага кўра, банкмига санаб келтирилган акциз маркасининг биронтаси ҳам четга чиқиб кетиши мумкинмас. Андиқор, бунинг иложи ҳам йўқ. Қолаверса, тамаки ва спиртли ичимликларга акциз маркаларининг жорий этилиши мажбур маҳсулотлар нархининг ошишига ёки камайишига сабаб бўлмайди. Чунки тамаки маҳсулотларига нисбатан бир донга акциз маркасининг нархи бор-йўғи 7 тийин, спиртли ичимликларга эса 14 тийингача қилиб белги-ланган. Бунга ҳар бир тадбиркорнинг қудрати етади. Муҳими, акциз маркази нафақат давлат бюджетини тўлдиришга хизмат қилади, балки бозорларимиздаги маҳсулотлар сифатини кафолатлайди. Қандай қилиб? Буюртмачи (тадбиркор) ўз маҳсулотларини марказдан аввал ўз омирини мавжуд молларни солиқ инспекцияси ҳошимлари томонидан қайта рўйхатдан ўтказиши (инвентаризация қилиши) лозим. Бунда, албатта, ишбилармон бу маҳсулотларнинг қардан келтирилганлиги ва қайси корхонада тайёрлангани тўғрисидаги ҳужжатни ҳам тақдим этиши шарт. Акс ҳолда марказиз маҳсулотларни сотиш-

га рухсат этилмайди. Шунингдек, қарорга кўра, энди ишбилармон хоржий давлатлардан мабодо акциз маркаларини ёпиштириш лозим бўлган маҳсулотлар келтирадиган бўлса, аввало, у солиқ идораларига қардан, қанча миқдорда маҳсулот келтириши тўғрисида ҳисобот беради. Шундан сўнггина маҳсулот миқдорига қараб, импорт учун мўлжалланган маркаларни «Пахтабанк» бўлимидан сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу сотиб олинган маркалар Ўзбекистон ҳудудига олиб келинаётган маҳсулотларга ёпиштирилган бўлиши лозим. Акс ҳолда божхона ҳошимлари маркази бўлмаган маҳсулотларга рухсат беради. Бу эса ўз навбатида бозорларимизда фақат сифатли маҳсулотлар сотилишини таъминлайди. Бир сўз билан айтганда, акциз маркаларининг самараси ҳозирдан-ноқ сезила бошлади. Бозорларимиз пештахатарига эса «қўлбола» ароқлар йўқлиб, уларнинг ўрнини сифатлилари эгалламоқда. Тўғри, бугунги кунда бозорларимизда ишбилармонлар тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларга палла-партиш ҳолда ўзгариш акциз маркаларини ёпиштириб олганликларини харидорлар кўнглини бироз ранжитмоқда. Албатта, бу вақтинчалик ҳол. Ишончимиз комилки, бундай ҳолатлар яқин кунлар ичида ўз-ўзидан барҳам топади.

Баҳодир ОСТАНАҚУЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

«Оқ олтин-96»



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1996 ЙИЛ 22 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ (ФОИЗ ҲИСОБИДА)

Table with 3 columns: Viloyatlar, Bir kunlad, Mavsum bo'shida buse. Lists regions and their cotton harvest percentages.

Гулистон туманининг Улуғбек номи жамоа хўжалигидаги «Дехқон» фермер хўжалиги аҳли баҳорда 69 гектар майдонга чигит қадашган эди. Шу кунларда йғим-терим авжиди. СУРАТЛАРДА: машина теримдан лавҳа; механизатор А. Уразаев, «Дехқон» фермер хўжалиги раҳбари И. Қўзибоев ва механизатор Х. Қўзибоев. Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ тасвирга олган.

ҚҶШ ТУМАН ЗАФАРИ

Андижон вилоятининг Жалолқудук ва Қўрғонтепа туманлари деҳқонлари пахта тайёрлаш давлат топширигини бажардилар. Жалолқудукликлар қабул пунктларига 22 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» топширди. Қўрғонтепалликлар эса 23,5 минг тонналик хирмон уйди. Пахта йғим-терими давом этмоқда. (ЎЗА).

«Обуна — 97»

Бундан беш йил аввал ўзбек халқи «занжирбанд шер» эди. Ниҳоят, истибод занжири узилиб, унинг елкасига офтоб нури теги, манглайи кундек ярқираб кетди. Хуррият насими кўксига тегиб, Хумо — бахт кўши бошига кўнди. Илоҳо, бу кўш абадий учиб кетмасин! Толе офтобни кулгана — ўзбек ўзини қайтган бир умрлик рост бўлсин!

«МУЛОҚОТ» — ХАЛҚ МИНБАРИ

Олти йилдирки, халқимизга яқин қадрдон бўлиб қолган «Мулоқот» журнали муштарийлар ишончини қозонди, уларнинг меҳрига сазовор бўлиб, ҳамсуҳбатига айланди. Журнал саҳифаларида берилётган маданий ва тарихий меросимиз, миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз, шу куннинг долзарб иқтисодий муаммоларига оид мутахассис мулоҳазалари ва бошқа туркумдаги мақолалар 1996 йилда ҳам кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Президентимиз башорат қилганларидек: «Келажати буюк давлат»имизни иқтисодиётимиз ва унга муштарак мафкура-сиз тасаввур этиш қийин. Зеро, мустақил республикамизнинг барқарор истиқболли юртбошимиз белгилан берган аниқ йўл-йўриқларда ўз ифодасини топган. 1996 йилда журналхонлар эътирофига сазовор бўлган «Истиқдол ва маънавият», «Муносабат», «Нуктан назар», «Дил извори», «Қадрият», «Миллий қаҳрамонларимиз», «Партия ҳаёти», «Мулоқот»га мақтулар», «Диққат, янгилик!», «Тил — миллат кўзгуси» рухлилари янги йилда ҳам давом эттирилади. 1997 йилда замонавий мавзунин ёритувчи «Озолик ва ободлик», «Истиқдол кишини», «Жамият ва шахс», «Миллат ва шахс», «Миллат ва Мустақиллик» номли янги рухлилар муштарийлар эътиборига ҳавола этилади. Азиз муштарийлар! Сиз бундан буён ҳам миллий ва маданий меросимизга таалуқли қимматли топилмалар билан муттасил танишиб борасиз. Биз ўз тарихимиз, бой маданий меросимиз билан қанчаллик фахр этсак ҳам, Уни одамларо кўз-кўз қилишимиз, қадрига етишимиз, ўрганишимиз ва кўз қорачинимиздек авайлаб-асрашимиз керак. Зеро, ўтмишини ўрганмай туриб, келажакка брўг ўз билан бориб бўлмайди. Янги йилда муштарийларимиз аерлар давомида мадрасаларда ўқитиб келинган маърифат чашмаси — «Чор китоб»нинг ўзбекча тўлиқ таржимасидан баҳраманд бўладилар. 1997 йилда «Маънавият булоқлари», «Тасаввур тариқатлари», «Истиқдол филойилари», «Муқаддас шахарлар» рухлиларида буюк алломалар ҳаёти ва аъмоли ҳамда башари-нинг табаррук шахслари билан боғлиқ тарихий воқеалар билан танишасиз. Журнал дунёдаги энг муқаддас китоблар — «Тавротин шариф», «Забур», «Инжил», «Қуръон мажид» ҳақида ҳаққоний таъкидотлар берилди. Унинг саҳифаларида шайх Қаб-фили Шойиб, шайх Зайноддин, Жалолоддин Румий, шайх Хованди Тахур ва бошқа тарикат ва маърифат парварларининг ҳаёти ва аъмоли ҳусеини асарлар ҳам тақдим этилади. Азиз юртдошлар! Ошқора, самимий мулоқотта иштиёқингиз бўлса, ўзингизга ҳаммайд, кўнглингизга яқин дўст топмоқчи бўлсангиз, «Мулоқот» журналига обуна бўлинг! Агар суёқли Ватанимизнинг, буюк мамлакатимизнинг ўр-минини да бугун ҳамда миладининг танич бўлган ўз тарихий шахслар ҳақида кенроқ ва батафсилроқ маълумотга эга бўлишни истагангиз, юрт равақига хизмат қилишга бел боғ-лаган «Мулоқот» журналига ёвлинг! Агар Сиз журналга ўз вақтида обуна бўлсангиз ҳам мод-дий, ҳам маънавий жўрдадан ютасиз. Муҳтарам ўқувчи! Халқимизнинг мустақиллик минбари бў-либ келётган энг сезимли, энг маъмули, республикамизни-инг миллий, иқтисодий-сиёсий ва тарихий-баъний журналига обуна бўлишга шошилсинг!

«МУЛОҚОТ» ЖУРНАЛИ ТАХРИРИЯТИ.

ХОТИРА

УВАТ УЗРА ТЎХТАГАН ЮРАК

Ўшанда баҳорги чигит экиш мавсуми авж олган кезлар эди. Ҳар бир дақиқасига гани-мат шундай паллада сурункасига икки-уч кунлаб кучли шамолнинг эсиши ҳаммаси-дан ҳам ошиб тушди.

Натижада оби-тобида боро-на қилиниб, экишга пухта тайёрланган ернинг нами кўтари-рилиб кетди. Шу боис деҳқон-лар иложи борича намни сақ-лаб қолдиш ниятида узлик бил-дан мола босишга қарор қилди-лар. Шу кунлари Тошбой ака-нинг тоби йўқ, тез-тез юрак хуру-жи беговта қилаётган эди. Тур-муш урғонининг тун бўйи миж-жа қоқмай чиққанлигини кўр-

ган Узоқ опа эрталаб ундан бу-гунча далага чиқмаслигини су-ради. — Йўқ, — деди Тошбой ака кескин оҳангда. — Ҳозир бо-риб, чигит экиладиган майдон-да мола юргизишимиз керак. Нами қочган ерга уруғ қадаш-нинг нафи бўлмайди, ахир. Тез-да қайтаман... Эрининг бир сўли, қайсар эканлигини билган аёл индама-ди, у минган отнинг орқасидан маҳзун бир кайфиятда тиклан-ча саросар қолаверди. Тошбой ака одамлар ишлаёт-ган участкага етиб келди-ю, яна ўзини ёмон ҳис эта бошлади. Юраги қаттиқ санчди. У эгар-дан тушиб, отни боғлаш учун симёғочга арқон ташлади. Шу заҳоти ўзи ҳам «шилқ» этиб уват узра кулади... Эллик олти ёш-да... Тошбой ака ана шу қисқа ум-рининг ярмидан кўпини пахта-чилик соҳасида сарфлади. Қар-ийб йигирма йил бригадага саркарлик қилди, агроном бў-либ ишлади, колхоз раисининг деҳқончилик ширкати бўйича уринбосари вазифасида фойалиг кўрсатди. Лекин у чинакам об-

ру-этиборга бригадага етакчи-лик қилган йилларида эришди. Ҳалол ва филокорона меҳнати эвазига орден ва медаллар, тур-ли кўргазмаларнинг олтин ва ку-муш нишонларига сазовор бўл-ди. У ҳақида хўжаликнинг солиқ раиси Қўбай РАВШАНОВ шун-дай ҳикоя қилади: — Тошбой билан қарийб тен-дош эдик. Аммо унинг пахта-чилик соҳасидаги билими ва тажрибаси бир олимникидан қо-лишмасди. Иш юритишда ай-рим муаммоларга дуч келганим-да, мен ҳам кўпича у билан маслаҳатлашардим. Унинг фик-ри доимо тўғри чиқарди — бу-нга кўп бор тан берганман. Айтишларича, раҳматли Тош-бой аканинг паларибузруквори Орзиқул Усаров ҳам узоқ йил-лар колхоз раиси бўлиб ишла-ган экан. Шу боис деҳқончи-лик — бу авлодга ота мерос. Биз яқинда отанинг ўғли Донақул Тошбоев раҳбарлик қилаётган Навоий номи жамоа хўжали-гида бўлдик. Бригадирлар Ҳа-сан Элмуродов ва Яхшибой Қаршиев, механизаторлар Ҳасан Элмуродов ва Маҳмуд Бўтақу-лов, сувчилар Уроқ Олимов, Баён Қаршиев ва Норқул Ота-муродовлар Тошбой аканинг ру-ҳини шод этиб, унинг номини эҳтиром билан тилга олдилар. — Биз устоз йўлидан бориб, ҳар йили пахта ҳосилдорлигини

оширишга ҳаракат қилаётимиз, — дейишди улар. — Бу эса жа-моа иқтисодини мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш тарзини яхши-лашда муҳим аҳамият касб эт-моқда. Жорий йилда Иштихон ту-манидаги бу хўжалик аъзолари 850 гектар ерда мўл ҳосил етиш-тирдилар. Айни пайтда пахта пайкалларида йғим-терим ав-жиди. Ҳар кун қабул пунктла-рига йиллик режанинг 1,5-2 фоизи миқдорда «оқ олтин» жўнатилаётган. Бу ишла, юқори-да айтилганидек, Тошбой Ар-зиқулнинг тўғри угли Дона-қул бош-қош бўлса, бошқа фар-зандлари: шифокор Исмоил, пе-дагоглар Сожида ва Сабодат, механизатор Саидқул, савдо хо-лими Қаҳрамон, пуаратчи Сайё-ралар эса камарбаста...

Абдулла ТУРДИЕВ, Утқир САИДОВ, «Халқ сўзи»нинг жамоатчи муҳбирлари.

ДИҚҚАТ, «КИМОШДИ» САВДОСИ! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ СИЗ, БАРЧА ТАДБИРКОР ВА ЙИРИК САРМОЯДОРЛАРНИ 1996 йил 25 ва 31 октябрь кунлари соат 10.00 да РЕСПУБЛИКА БИРЖАЛАР МАРКАЗИ БИНОСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН «КИМОШДИ» САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ! «Ўзўшсутсанот» бирлашмасига қарашли иншоотлар: 1. Жиззах вилоятида жойлашган «Турон» гўшт маҳсулотлари тайёрлаш корхонаси. Бошлангич нархи — 35 млн. 794 минг сўм. 2. Самарқанд вилоятида жойлашган «Янги ҳаёт» гўшт маҳсулотлари тайёрлаш корхонаси. Бошлангич нархи — 18 млн. 167 минг сўм. 3. Сурхондарё вилоятида жойлашган «Шўрчи» бўралоқига боқиш корхонаси. Бошлангич нархи — 1 млн. 380 минг сўм. 4. Сирдарё вилоятида жойлашган «Гулистон» гўшт маҳсулотлари тайёрлаш корхонаси. Бошлангич нархи — 15 млн. 368 минг сўм. 5. Тошкент вилоятида жойлашган «Чиноз» гўшт маҳсулотлари тайёрлаш корхонаси. Бошлангич нархи — 1 млн. 449 минг сўм. 6. Тошкент вилоятида жойлашган «Тошкент» гўшт маҳсулотлари тайёрлаш корхонаси. Бошлангич нархи — 2 млн. 953 минг сўм. 7. Тошкент вилояти Ангрэн шаҳридаги «Ангрэнгўшт» гўшт маҳсулотлари тайёрлаш корхонаси. Бошлангич нархи — 6 млн. 36 минг сўм. 8. Тошкент вилояти Янгийўл шаҳридаги «Янгийўлгўшт» гўшт маҳсулотлари тайёрлаш корхонаси. Бошлангич нархи — 11 млн. 335 минг сўм. 9. Жиззах вилоятидаги «Пахтакорсүт» сутни қайта ишлаш корхонаси. Бошлангич нархи — 1 млн. 232 минг сўм. Юқорида кўрсатилган иншоотларни республика Кўчмас мулк биржаси марказий аппарати орқали сотиш режалаштирилган. Қолган 35 та иншоот вилоят бўлими орқали сотилади. 10. «Вараша» туристик мажмуаси. Бу-хоро шаҳри. Бошлангич баҳоси — 10 млн. 644 минг сўм. Автомобилларга ёнилги қуйиш шохобчалари: 11. 73-сонли АЁҚШ, Қорақалпоғистон Республикаси, Тўртқул шаҳри. Ер майдони узоқ муддатга ижарага берилди. Бошлангич баҳоси — 700 минг сўм. 12. 38-сонли АЁҚШ, Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани. Ер майдони билан со-тилади, сатҳи 780 кв.м. Бошлангич баҳоси — 2 млн. 170 минг сўм. Курилиш ишлари тугалланмаган ишлаб чиқариш корхоналари: 13. Ип йигирув фабрикаси, Сирдарё вилоятининг «Боёвут» жамоа хўжалиги. Ер майдони — 4,15 га. Курилиши 15 фоз бажарилган. 14. Ипак йигирув фабрикаси, Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, «Октябрь» жа-моа хўжалиги. Ер майдони — 7,92 га. Ку-рилиши 12 фоз бажарилган. Бошлангич нархи — 8 млн. 300 минг сўм. 15. Каноп йигирув фабрикаси, Тошкент вилояти, Келес шаҳри. Ер майдони — 23 га. Курилиши 15 фоз бажарилган. Бошлангич нархи — 20 млн. сўм. 16. Туқимачилик ишлаб чиқариш комп-лекси, Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри. Ер майдони — 3,6 га. Курилиши 25 фоз бажарилган. Бошлангич нархи — 5 млн. 500 минг сўм. 17. Қамаш шина таъмирлаш заводи, «Ўзкимёсанот» уюшмасига қарашли. Уму-мий майдони — 16776 кв. м. Қашқадарё вилояти, Қамаш шаҳри. Бошлангич нархи — 5 млн. 670 минг 200 сўм. 18. «Узинтерсавдо»га қарашли ишлаб чи-қариш комбинати, Тошкент вилояти Йиқ-ота посёлчаси. Ер майдони — 1,2 га. Ком-бинатда консервалаш цехи, сутни қайта иш-лаш ва курилиш цехлари мавжуд. Бошлангич нархи — 14 млн. сўм. Енгил ва юк ташиш автомобиллари: Тошкент шаҳар, Толариқ кўчаси, 24. «Хўжалик моллари» акционерлик бирлаш-масида қуйидаги автомобиллар қуйилган: 19. «Волга» Газ-2411. Заводдан чиққан йили — 1991 йил. Бошлангич нархи — 350 минг сўм. 20. Зил-431410 (бортли). Заводдан чиқ-қан йили — 1986 йил. Бошлангич баҳоси — 150 минг сўм. 21. Шунингдек, республикамизнинг тур-ли вилоятларида жойлашган паррандачи-лик фабрикалари қўйилади. Кўрсатилган иншоотларга қизиқиши бўлган шахслар ва корхоналар республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин. «Кимовшди» савдо-сида қатнашиш учун аризалар, гаров пуллари республика Кўчмас мулк бир-жасида ва унинг вилоят бўлимида қабул қилинади. Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг вилоят бўлими бундан буён автомобилларга ёнил-ги қуйиш шохобчалари, ҳар турдаги ку-рилиш тугалланмаган иншоотлар, меҳ-монхоналарни савдога қўяди. Булар ҳа-қидаги тўлиқ маълумотларни матбуот ва телевидение орқали бериб борамиз. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 8-уй. Республика биржалар маркази, 3-қават, 13-хона. Телефонлар: 36-15-28, 36-15-29, 36-79-62.

1996 йил — Амир Темур йили

ТЕАТР ФЕСТИВАЛИ ЯКУНЛАНИДИ



Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси республика телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда соҳибқирон юбилейига бағишлаб «Амир Темур»...

буюклик ва инсонийлик мавзусида фестивал ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шунингдек, қардош Қозғистон ва Қирғизистон театрлари иштирок этди.

Бундай тadbир кутлу сан арасида ўтказилгани бежиз эмас. Зеро, мамлакатимиздаги деярли барча театрларда ана шу кунга атаб Амир Темур ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги спектакллар тайёрланди. Улар орасида Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон», Одил Ёқубовнинг «Фотиҳ Музаффар», Қилич Абдунабиевнинг «Елдириш Боязид» каби тарихий асарлари бор. Ўзига хос «Темурнома»га

айланган фестивал давомида ана шу спектакллардан энг таъсирчан кўринишлар намоиш этилди. Уларда Амир Темур шахси, унинг давлат арбоби ва саркардалик салоҳияти, инсонийлик фазилатлари турли шакл-шамойил ва сийратларда ўз аксини топди.

Фестиваль танловига якунига кўра, биринчи ўрин ҳеч кимга nasib эмасди. Бердах номидаги қорақалпоқ давлат мусиқа театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Бозоров Узоқбергенов иккинчи ўринга сазовор бўлди. М. Тошмухамедов номидаги Қашқадарь мусиқа драма театри артисти Музаффар Тўрақулов ва Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри артисти Аваз Ражабов учинчи ўринни қўлга киритди.

(ЎЗА). СУРАТДА: Фестивалдан лавҳа. Муҳаммад АМИН тасвирга олган.

(Давоми. Боши ўтган сонда). Эшикдан илжайиб яна иккита одам кириб келди. — Хуш кўрдик, акалар, — Бадал уларни идиқ кўтиб олди. — Шу десангиз, оғайни, янги оиламиз, — новчандан келгани кўлини кўксига қуйди, — тўйдан олдин келин болага битта магнитофон вада қилганим. Ҳали у, ҳали бу сабаб бўлиб чўзилиб кетяпти. — Манавинақа аскиялар эшитганда шартта олворай дейману, келин боланинг шойилманг, обдон суриштириб яхисини олинг, деб тайинлаганини эслаб шаштимдан қайтаман.

— Келин бола жуда тўғри айтибдилар, — деди Бадал, — олдинлари дўконларимизда магнитофон камчиб эди, ҳозир турмушни чиқиб кетган. Шундоқ экан, келин бола айтганидек танлаб, яхисини олиш керак. — Тўғриси айтсам, мен унча фарқида бормайман, — деди харидор, — унингзи бирорта дурустроғини...

— Халқимизда арзонлиг шўрваси татимайди, деган гап бор. — Бадал мулоғим жилмайди. — Қимматда бир ҳикмат бор, арзонда бир иллат бор. Шунинг учун алашмай десангиз, пулдан қочмай қимматроғини танлайверинг.

сал ҳайрон бўлди. Бадал бу гал орқасига уғирлиб пештахтага қаради, «Садо»ни кўриб «таажжубланди». — Ие, ана холос, мен тутуди деб ўйлагандим, битта қолган экан-да, — у магнитофони олиб харидорнинг олдига қўйди, — ма-на, Журажон, омадингиз бор экан, охиргиси сизга буюрди. — Ўзи яхши магнитофони?

Дўконда уч-тўрт нафар одам пайдо бўлган эди, Бадал атай уларга хавотирона назар ташлади, секин энгашиб харидорга шипшиди. Шундай шипшидики, дўкондагиларнинг ҳаммаси эшитди. — Уттан кунни бир кунга олган экан, тугаб шу битта дон қолди, бабул кетиши. Яхшими, ёмонми, энди бу ёғини ўзингиз тушуниб олаверинг.

ган мол — ўлик мол. Харидорнинг кўзида пайдо бўлган мол — жарни, тариготи, ҳавас уйғотувчи энг зўр реклама. Демак, ортиқча илтифот тескари натижа бериши мумкин. — Битта илтимос бор эди, оповси.

— Гапиринг, — тумшугини қантайтирди Бадал. Бу харидорга қисталанг қилсанг ёки «мана, қанча керак бўлса танлаб олаверинг» десанг, ўша заҳоти қочиб кетеди. Ҳа, бундайлар ўла қолса «чакана» нарсани олмайди, албатта, ноё мол керак. — Шу десангиз, оповси, кенжамизнинг тутилган кунига битта магнитофон вада қилгандик. Бояги йигит олганидан менга ҳам битта донга тўғрилаб беролмайсизми? — «Садо»данми? — Бадал жу-

жан магнитофон. Келаси ҳафта яна мол оламиз, Қалашбевга ўшандан берамиз. Ходивой фақат эндигина гапнинг магзини чақди. — Майли-ю, дегини Қалашбев келиб харахша кўтарганидан бўлса, ўзинг жавоб берсан!

— Келишдик, — Бадал оғайнисига «тузуқсану, боқса одам буласан» дегандек маънодор қараб қўйди, кейин харидорга юзланиб, сирли овозда шипшиди, — кеннойи, сиз мудирга ҳақини тўлаб келаверинг, мана бу ёғини ҳозир ест қиламан. — Барака топинг, оповси, барака топинг, — аёл миннатдорчилик билдириди. У пул тўлаб қайтганича Бадал, ўзи айтганидек, битта «Садо»нинг чангини артиб тахт қилиб қўйди. — Яхшиликка буюрсин, кен-

да ушлагандек хитоб қилди, — яъни ўзингиз! Шундай бўлиб чиқди-ку!

— Ҳазили тушунадиган одамнинг садағиси кетсанг арийди! — Бадал шарақлаб кулиб юборди. — Югурганики эмас, буюрганники экан, домлажон, почмачининг қайниси курак қолаган бўлди. Ходивой Тўраевич, домланг пулларини олинг. — Уни ўзингиз олиб қўйганинг шекилли? — сўради «Ҳийин»нинг мазасига тушуна бошлаган Ходивой ташвишчи овозда. — Начора, насиб қилмаган экан! Бошқа одам бўлганда майлиди, лекин домлага йўқ деб-майдим.

Дўконда борган сари одам қўлаярди. Қулоғи, панжалари, бўйни қимматбаҳо тақинчоқларга тўла, кўринишдан шадлот аёл қўлаари аланг-жаланг бўлиб дўконга кириб келди. — Вой, эгачи, нима берапти? — деб сўради анқайиб турган бир аёлдан. — Билолмайим, — деди эгачи, кейин донлиқ қилди, — арирлик нарсанири одамлар хира пашшадек ўралашиб қолдишди, лекин тамом бўлди, дешияпти. — Нета энди тамом бўлар экан! Бошқа одам бўлганда майлиди, лекин домлага йўқ деб-майдим.

БИТТАГИНА ҚОЛГАНДИ (Ҳикоя) Фарҳод МУСАЖОН

Бунадай ишончдан харидор талтайиб кетди, чўнтагини қавлаб бошлади. — Уранг! — Журажон, ўзингизни гўлликка солисану, аммо мол танлашга уста экансиз, битта кўр-ганда аграгингиз асл молни, — Бадал магнитофони харитон кўтига жойлаб харидорга тўтқазди, — пул қўлингиз кири, нималарга сарф бўлиб кетмайди, дейсиз, олинган нарсга эса мўлжа айланади.

Бу гап «Журажон»дан кўра дўконга йилгилан харидорларга қаратилганди. «Журажон» Ходивойга пул тўлаб эшикка йўналди. Остонада пўрим қийинган, оғиз тўла тилла тиш, қўлида қимматбаҳо чор сумка аёл пайдо бўлди. У «Журажон»нинг йўлини тўсиб қўтига ишора қилди.

— Яхши магнитофон эканми, мул्ला ака? — деб сўради кўзлари ёниб. Қайси харидор олган нарсасини ёмонлайди, қайтганда бошқаларнинг ҳаваси келиб қизққан-дан кўнгли кўтарилади. — Уттан кунни олишган экан, бугун тугабди, мен охиргисига илдиним. Одамлар ҳам бир нарсани биллиб олишса керак, — шу сўзларни айтиб, харидор мағрур ва гўлиб қиёфада дўконни тарк этди.

Бойвуча аёл Бадалга яқинлашиб лаганбардорона саломлашди. Бадал бу гал муомалани ўзгартирди. Ана сиполик билан алиқ олди. Биринчи қалдирғон учирилган эди, энди қолган қўшлар ҳам дув ёпирилади. Пештахтада тур-

да танг аҳволга тушиб қолгандек юзини аниқчи буриштирди, — ундан қолмагани-ку, кеннойижон. Бадал аёл харидорларга ҳеч қачон «синглим» ёки «опажон» деб мурожаат қилмасди. Фақат «кеннойижон» деди ва чўқур маъно бор эди бунда. «Опажон» ёки «синглим»да эгирча бўлса ҳам хушторлик, шипшиликка шаъма бўлиши мумкин, аммо «кеннойижон» сўзи эгрликни бутунлай инкор этгани ва фақат олади-сотиди муносабатларига хизмат этгани, мен учун сиз фақат харидорсиз, деган маънони аналтади.

— Оповси, йўқ деманг, битта тушган ишимиз. Яхшиликни билдирган одамимиз-а, — бойвуча аёл фаросатли экан, очмиқасига «хурсанд қиламиз» демай усталик билан шаъма қилди. Бадал дўзах азобини тортаётгандек қийнаиб ҳўрсинди.

— Мен мудирдан сўраб қўрайчи, кеннойижон, мабодо бирортта олиб қўйгани бўлса, — у уч-тўрт қадам нарида савлонни кузатиб турган ошнасига қараб, дўконда йилгилан харидорлар ашитсин учун атай билан овозда сўради. — Ходивой Тўраевич, «Садо»дан яна битта донга топиладими?

Ходивой ҳеч нарсга тушунмай, тўғриси айти қўйди. — Э, қа... қа... лашиб. — Қалашбевнинг кўйинг! — Бадал чакқонлик қилиб шартта бўлиб унинг сўзини, — Қалашбевга инсоф деган нарсга йўқ, ҳар ой бирор камб нарсани ўндириб кетди. Ундан кўра манави кеннойимларнинг ҳождатларини чиқарворайлик. Жула зарур

ноийижон, — деб харидорга тўтқазди. — Раҳмат, — аёл чексиз бахтиёр эди, кўзлари ёниб ҳуфийна оҳангга шивирлади, — у ёғи ҳам қовушди, мудирингизни рози қилдим. Қўтисини қўлтиқлаганича голибона қиёфада кўчага йўналди. Дўконда одам тобора кўпаяр, пештахта ёнида бир тўда харидор пайдо бўлганди. Биринчи бўлиб турган ранги паст, юзи заҳил, тикон кўз кимса жанжаллашганга тайёр овоз билан Бадалга гап олди.

— Ҳозиргина танишингизга бериб юборган магнитофондан менга ҳам битта топасиз. Бадал дарров таслим бўлди. — Хўб, домлажон, — «қалтираб» илтижо қилди у, — бир иложини қиламиз, кўринишгиз айтиб турибди, сиздақларга йўқ деб бўлмайди, ёзоничлардан кўринасиз.

Сотувчи паст келча харидор авжга минади. — Ёзонгича деганингиз нимами? Қопонгича шаъма қилмасизми? — дўқ унч тикон кўз. — Хафа бўлмайсиз, домлажон, чаласаволдан, чиройли гапиролмайман. Сизни ранжитсам, бирор ишқал топиб газета ёзсангиз, демоқчийдим, — Бадал хонисор илжайди. — Шунинг учун сизга топамиз, почмачининг қайнисига битта олиб қўйганим, ўшани сизга бераворман.

Бадал кўзлариде қуялик чақнаб харидорга боқди. — Почмачининг қайниси? — кўринишдан захар томиб турган тикон кўз Бадални жиноят усти-

да шадлот аёл, — опчиқирингиз молни. — Бўпти, азизлар, ҳеч кимни курак қайтармайди, — эрон қилди Бадал. Шу тариха дўконда тўпланганларнинг барчаси — иккилангил турганлар, томошабинлар, умуман, нарсга олиш нияти бўлмаганлар ҳам ўзлари сезмаган ҳолда харидорга айландилар, ишқидий менга ҳам етса бўлди, деган ниятда набашта турдилар. Ким қатордан қолганини истарди!

Бадал ўртонинг қўлтигидан олиб омбор ашиги томон бошлади. — Савдо деган мана бундай бўлади, диндик. Энди тулуплатиб сотавер. Фақат яхшилаб артиб олиб қил, тагин чангини кўриб, олиб қилиб ётганини пайқаб қолшамасини. Ҳўп, эртага кечқурун уйга ўпгани унутмай!

Бадал ўртонинг елкасига қорқиб, шойилчан дўконни тарк этди.

Спорт

САМБО ОСИЁ АЁЛЛАРИ БЕЛЛАШУВИ



Владивостокда самбо бўйича аёллар ўртасида Осие чемпиони баҳаслари якунланди. Унда юртимиз аёллари терма жамоаси ҳам қатнашди. Спорт мухлислари юртимизда Юкатия Янкина, Ирина Пономарёва, Екатерина Зайцева каби самбо кураши усталари борлигини яхши билишадди. Бу сафар улар қаторидан ўзбек қизи Сурайё Шамсутдинова ҳам ўрин олди. Сурайё ўз вази тоифаси (60 кг) бўйича дуноталари Ирина ва Екатерина каби Осие чемпионлигини қўлга киритди. У етти бор гиламга чиқиб, Япония, Россия, Монголия каби мамлакатларнинг полвонларини мағлуб этди.

Умуман, вакилларимиз Осие чемпионатининг учта «олтин», олти «кумуш», унча «бронза» медалини қўлга киритишди. Ҳамюртларимизнинг муваффақиятидан ҳайратланганимиз Осие самбо федерациясига аъзолари навбатдаги кўта чемпионати ва кубок мусобақаларини келаси йил май ойида Тошкентда ўтказишга қарор қилишди.

СОҲИБҚИРОН ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Самарқанд телевидион ижодий бирлашмаси ижодкорлари Ҳиндистон сафаридан қайтиб келди.

Улар соҳибқирон ҳақида яратилган етти қисмдан иборат тарихий-ҳужжатли фильм кўришниларини тўлдириш мақсадида шу мамлакатда бўлди. Ижодкорлар Деҳли, Агра шаҳарларидаги теуририйлар билан болгиқ муқаддас қадим-жолар — Қизил қалъа, Жомье масжиди, дунёнинг етти мўъжизасидан бири — Тожмаҳалла ва бошқа нодир меъморилик обидаларида бўлди, Ҳиндистон миллий музейида сақланаётган «Зафарнома» ва «Бобурнома» каби ноёб асарларни сураатга туширди. Фильм буюк бобоклолимизнинг 660 йиллик тантаналари кунларида намоиш этилади.

(ЎЗА)

ТЕННИС ЯНА ЭСКИ РАҚИБ

Теннис бўйича норасмий жаҳон чемпионати ҳисобланган «Дэвис» кубоги баҳасларига кўра ташланди. Малуки, терма жамоамиз Осие — Оселани минтақасининг биринчи гуруҳида йўлнамга олди. Кўра вакилларимизга ўтган йилги рақиб — Хитой терма жамоасини қарама-қарши қўйди. Ҳамюртларимиз ўтган йилги мағлубият аламини олишармикин? Нима бўлганда ҳам, ютган жамоани кейинги босқичда Япония — Корея учрашуви гўлиби кутангил.

Шухрат РҶЗМОҲОВ.

ФУТБОЛ МҲСК КУЧЛИМИ, «ПАХТАКОР»?



Мавсум бошланиб мухлислар дида пайдо бўлган бу савол ҳанузгача ўз жавобини топгани йўқ. Ваҳоланки, бу жамоалар шу кунгача уч марта ўзаро куч сиништириди. Ҳар уч учрашув МҲСК стадиониде ўтказилди.

Чемпионатнинг биринчи даврдаги учрашувида пахтакорчилар майдонда озчилик бўлиб ҳаракат қилишга қарамай, 1:0 ҳисобида гавабга қозонишган эди. Утган ҳафтада ўтказилган иккинчи давра учрашувида МҲСК вакиллари ҳарбий футболчилар устун келишди. Кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон кубоги учун бу жамоалар ўртасидаги ярим финал учрашувида мухлислар дидаги саволга ечим топилгани кутилган эди. Бироқ бу сафар учрашув 2:2 ҳисобида якунланди. Шунинг билан ҳам, бу сафар ҳам пахтакорчилар иккинчи бўлим бошланиб майдонда камчилик бўлиб ҳаракат қилишди. Н. Ширшов майдондан четлатилган пайтда ҳисоб 1:1 эди. Худди биринчи давра учрашувидаги каби қарши ҳужумда уйнаган «Пахтакор» жамоаси ҳисоба олдинга чиқиб олди. Бироқ учрашув тугашига икки дақиқа қолганда ҳарбийлар ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлишди. Пахтакорчилардан тўларни Рашид Бозоров ва Дилмурод Назаров, ҳарбийлардан Шухрат Раҳмонқулов ва Рашид Дурмонов киритишди. Ҳўп, икки жамоадан қайси бири кўчди? Бу саволга биз ноябрь ойининг бошида ўтказилган МҲСК — «Пахтакор» ўртасидаги Ўзбекистон кубоги учун ярим финалнинг такрорий учрашувидан сўнг жавоб оламиз.

Ярим финалнинг иккинчи бири жўфтлиги — «Дустилик» ва «Нефтичи» жамоалари ўртасидаги учрашувда 1:0 ҳисобида майдон эгалари гавабга қозонди.

Advertisement for NATIONAL ELECTRONICS, INC (AMERIKA) featuring a tiger and text about a 660-year-old tradition of quality and service.

Advertisement for 'Kserok' company, highlighting the quality and service of their products, specifically mentioning the 'Kserok' brand.

Advertisement for 'Халқ Сўзи' newspaper, featuring a building and the slogan 'Народное Слово'.

Advertisement for 'Муассислар' (Founders) of the newspaper, listing names like Oliy Majlis Kenjashi and Vazirlar Mahkamasi.

Advertisement for 'Манзилими' (Address) and 'Набатчи' (Subscriber) information, including contact details for the newspaper.